

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 14185,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 103,4 фоизга тенг бўлди.


2018 йил январь-декабрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 133,9 фоизни ташкил қилди.

### Январь-декабрь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>10243,0</b>	<b>14185,2</b>	<b>103,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9609,9	12951,5	103,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	633,1	1233,7	103,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>9609,9</b>	<b>12951,5</b>	<b>103,4</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2783,7	3733,0	103,0
Саноат (қурилишни қўшган холда)	3219,8	4869,1	101,6
саноат	2596,0	4047,4	100,6
қурилиш	623,8	821,7	105,4
Хизматлар	3606,4	4349,4	105,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	616,4	755,6	104,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	778,6	898,4	111,7
бошқа хизматлар	2211,4	2695,4	103,3

## Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-декабрь ҳолатига

(жамига нисбатан фоизда)




2018 йилнинг январь-декабрь ойларида республиканинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (105,4%) тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат ҳамда хизматлар (105,3%) ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 54,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрида 55,8 фоизни ташкил қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 111,7 % (ЯХМ таркибидаги улуши 6,9 %), қурилиш – 105,4 % (6,3 %), хизматлар – 105,3 % (33,6 %) ни ташкил этди.

**2018 йил январь-декабрда ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 91,3 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 8,7 фоизини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,2 фоизли пунктга камайди ва ҳисобот даврида 28,8 фоизни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 4,1 фоизли пунктга ошди ва 37,6 фоизни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 2018

йил январь-декабрда 33,6 фоизни ташкил этди ва 2017 йил мос даври (37,5 %) билан таққосланганда 3,9 фоизли пунктга камайди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,8 фоизни (2017 й. – 6,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,9 фоизни, (8,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 20,9 фоизни (23,0 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймат таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда):



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар